

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. Zaxarash, T. O'qituvchilar malakasini oshirish mazmunining zamonaviy yangilanishi / T. Zaxarash // Maktabgacha ta'lim - 2011.-№ 12. S.74
2. Svatalova, T. O'qituvchilarning kasbiy kompetentsiyasini baholash bo'yicha qo'llanma / T. Svatalova // Maktabgacha ta'lim - 2011.-№1. S.95.
3. Xoxlova, O.A. O'qituvchilarning kasbiy vakolatlarini shakllantirish / O.A. Xoxlova // Katta o'qituvchining qo'llanmasi - 2010. - № 3.- B.4.

ЭРКИН ВОҲИДОВ ШЕЪРИЯТИДА ОНА-ВАТАН МАДҲИ

Ҳафизова Мухлиса Абдиғани қизи

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

**Резюме:** Мақолада Эркин Воҳидов шеъриятида она-Ватан мавзусининг ёритилиши тадқиқ этилади. Шунингдек, шоир ижодида мазкур мавзунинг бадиий талқин этилишидаги ижодий ўзига хослик таҳлил қилинади. Қолаверса, шеъриятда руҳий кечинма ва бадиий ифода ҳамда ижодкор маҳорати масалалари хусусида атрофлича мулоҳаза билдирилиб, мавзуга хос шеърларини ўрганиш жараёнидаги назарий ва бадиий таҳлил натижалари умумлаштирилади.

**Резюме:** В статье исследуется тема Родина в поэзии Эркина Воҳидова. А также, рассматривается творческое своеобразие художественной интерпритации названной выше темы. На ряду с этим, выражается мнение душевных переживаний и художественных вырожений, а также творческих способностей в поэзий, и обобщается теоретические и художественные результаты анализа в процессе изучения стихотворения по этом же теме.

**Summary:** The given article notice topic illuniotion be investigate Erkin Vohidov in poetry. As such creative specific be analyze the topic's be artistically interpretation poet in remembrance. From after that, then result's be generatize theory and artistically. In the topic peculiar poety study process of ewents and thoroughly be opinion in the poety mental condition the creator's skill.

**Калит сўзлар:** бадиий ифода, индививидуаллик, образлилик, бадиий тафаккур, фалсафий талқин.

**Ключевые слова:** художественная интерпретация, индивидуальность, образность, художественная идея, философическое толкование.

**Key words:** individuality, literary interpretation, literary, idea, philosophic interpretation.

Маълумки, шеър асосида инсоннинг ҳис-туйғу, ички кечинмалари, табиат ва жамият ҳодисаларидан олган таассуротлар натижаси бўлмиш тафаккур акс этади. Шундай экан, бадиий адабиёт орқали инсон маънавий олами бойиб, тасаввур, эстетик диди шаклланиб боради. Адабиётнинг доимий диққат эътиборида бўлиб келаётган она-Ватанга бўлган садоқат, ўзлиги, она юртидан фахрланиш сингари туйғуларни ёшлар онгига сингдириш энг муҳим масалалардан биридир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Ватан равнақи аввало унинг фарзандларига, уларнинг маънавий жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир юртдошимизнинг зиммасидаги юксак фуқаролик маъсулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади ” [1.73].

Севимли шоиримиз Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг ижодига назар ташлар эканмиз, ундаги ранг-баранг қарашлар, турфа хил мавзудаги ижод намуналаридан баҳраманд бўламиз. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, шоир ижодида Ватанга бўлган муҳаббат алоҳида ўрин олган. Хусусан, “Ўзбекистон”, фахриясига шундай сатрларни учратамиз:

Юртим,  
Сени яна олдим қаламга  
Ярим аср ёшинг баҳона бўлиб.  
Яна келиб қўндинг тонгги мисрамга  
Фалак нисор этган дурдона бўлиб.  
Иқбол пешонамга битган ошөним – Ўзбекистоним [3.218].

Ушбу сатрлар орқали, шоир ўз юртига мурожаат қилиб, унга бўлган меҳрим сабаб мадҳ қилиш учун қўлимга қалам олдим, уни Оллоҳ ягона қилиб яратди, мени тақдиримга битилган маконимсан, дея юрак сўзларини оддий, халқона ва ҳаяжонли тарзда намоён этади.

Инсонни маънавий баркамол, ватанпарварлик ва умуминсонийлик руҳида тарбиялашда бадий адабиётнинг роли беқиёс. Зеро, маънавият ва маърифат, инсонпарварлик, истиқлол ва эркинлик ҳамда иқтисод тушунчалари бир-бири билан чамбарчарс боғлиқ. Бутун инсониятга хос қадриятларни улуғлаган, инсон тақдири ва унинг орзу истакларини тараннум этиб келаётган бадий адабиёт фақат маънавият учунгина эмас, балки ҳаётнинг барча жабҳалари учун ҳам хизмат қилади. Зеро, бадий адабиёт инсон қалбини шунчаки тасвираб қолмасдан, унда бадийлик, образлиликни вужудга келтиради. Эркин Воҳидовнинг ушбу фахриясида Ватанга бўлган чексиз фахр ва ифтихор туйғуси ёрқин намоён бўлган:

Толеим бор экан,  
Сенга ҳамнафас,  
Оташин қуёшинг билан йўғрилдим.  
Юз йил аввал эмас, юз йил сўнг эмас,  
Тўғёнли асрда сенда туғулдим.  
Гуллар сочдинг мен илк босган қадамга  
Бағринг менга нурли кошона бўлиб.  
Жаҳон ичра менинг тенгсиз жаҳоним – Ўзбекистоним [3.218].

Шоир шу юртда туғилиб ўсганидан мамнунлигини нақадар жозибали ва бадий ўхшатишлар билан ифода этган. “Юз йил олдин ёки юз йил кейин эмас, айнан тўғёнли асрда туғилиб, шу Ватан бағрида эркин улғайдим. Мен учун жаҳон ичра тенгсиз жаҳоним” дея фахрланади. Маълумки, “Шеърят шоир ва ўқувчи ўртасидаги дил суҳбати демакдир. Шоир учун бу суҳбат-юракни борлиғи билан очмак, ўқувчи учун бу юрак зарбларини англамакдир” [2.141].

Йироқдан эшитиб сурнай овозин  
Кўчага югурган бола сингари,

Мен ҳам қўлга олиб сибизға созим  
Тўйингга шошарман элдан илгари.  
Тилак шу-қўшиғим катта байрамга  
Етиб борса кичик тўёна бўлиб.  
Менинг ҳам қолмасди дилда армоним,  
Ўлкам, онажоним, юрагим, жоним – Ўзбекистоним [3.223].

Эркин Воҳидов ушбу фахрияни юртимиз истиқболини олдиндан кўра билгандек, бундан анча йил олдин яратган эди. Шу маънода, шоир фахрияси ғояси ва моҳиятан Чўлпоннинг эрк, озодлик ғоялари билан йўқрилган шеърларини эслатади. Ушбу фахрия бугун ривожланиб бораётган мустақил, эркин ва фаровон Ватанимиз иқболини улуғлаш руҳида битилган. Ўз мисраларида таъкидлаганидек, бугун мустақил жаҳон минбаридаги Ўзбекистонимиз учун табрик, ғурур деб қабул қилсак муболаға бўлмайди. Юртимизнинг гуллаб яшнашида ўз ҳиссамизни қўшиш, ундан фахрланиш биз ёшларнинг бурчимиздир. Шоир шеъридаги “Ўлкам, онажоним, юрагим, жоним – Ўзбекистоним”, таърифлари барчамиз учун ўзига хос шиордир.

Зеро, Э.Воҳидовнинг нафақат мазкур фахрияси балки бутун ижоди инсонга маънавий озуқа бериши, олийжаноб туйғуларнинг камол топишида, Ватанга бўлган муҳаббат руҳида тарбиялашда жуда катта аҳамият касб этади. Хусусан, бу ўринда шоирнинг “Ўзбегим” қасидаси ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мазкур қасида ҳам “Ўзбекистон”, фахрияси билан ҳамоҳангдир. “Ўзбегим” қасидасида халқ тарихи, ўтмиши, истиқболи ўзининг бектакрор ифодасини топган. Аҳамиятлиси шундаки, ҳар икки асар ҳам мустақиллик йилларидан олдин яратилган бўлиб унда шоир ўз қалб кечинмаларини реалистик тарзда тасвирлаган. Бу эса шоирнинг ўта жасоратли ва матонатли инсон эканлигини кўрсатади. Шу маънода, ҳар икки асарда ҳам шоир шахсияти ёрқин намоён бўлади.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008.
2. Умиров Ҳ. Адабиёт қоидалари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2010.
3. Эркин Воҳидов. Сайланма 1-жилд. Тошкент, “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 1986.